

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ НИНГ XXVIII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ХАЖЖАТИ

1990 йил 11 июль
ЧОРШАНБА
№ 157 (4.950)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.



МОСКВА. Кремнинг Съездлар саройи. Суратда: КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев съезд делегатлари даврасида.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 9 июль кунин А. И. Лукьянов раислигида ўтган кечки мажлисда делегатлар КПСС Устави лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар.

Комиссия раиси М. С. Горбачев съезд қатнашчилари кiritган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида ахборот берди. Съезд партия Устави лойиҳасини асос учун қабул қилди, шундан сўнг тузатишлар ва мулоҳазаларни батафсил муҳокама қилиш бошланди.

1990 йил 10 июль кунин Москвада, Кремнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишнин давом эттирди.

Эрталабки мажлис Украина Компартияси Марказий

Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко раислигида ўтди.

М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида Сиёсий ҳисоботи муҳокамаси якунилари юзасидан сўзга чиқди.

Сўнгра съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботи юзасидан резолюция қабул қилди.

Танаффусдан сўнг съезд КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимига номзодлар кўраштириш ва уларни муҳокама қилишга киришди.

Ўрнатилган номзодларни муҳокама қилиш натижасида янгири овоз бериш учун рўйхатга Т. Г. Авалиани ва М. С. Горбачев кириштирди.

Съезд сайлов ўтказиш учун Саноқ комиссиясини тузди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съездининг РЕЗОЛЮЦИЯСИ ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН, КОММУНИСТЛАР ҚУВҒИН ЭТИЛИШИГА ҚАРШИ

КПСС ҳар бир халқнинг иқтимоий тузумини, ўз турмуш тарзини мустақил танлаб олиш ҳуқуқини тан олади. Демократия инсон кадр-қимматини камситиш билан, нафрат ва қасос муҳитини яратиш билан, турли баҳоналар келтириб, компартияларни ва социалистик йўлни тутган жамоат ҳаракатларини, уларнинг барча аъзолари ва тарафдорларини қонундан ташқари қилиб қўйишга уринишлар билан келиши олмайди. Давр рад этган режимиларнинг ҳаракатлари учун масъулиятни уларнинг зиммасига юк-лаб бўлмайди.

Шарқий Европадаги бир қанча мамлакатларда у ерда юз бераётган ўзгаришлар жараёнида тараққиёт гоёларига самимий содиқ бўлган минглаб халок кишилар зарбага учрадилар. Уларни эътиқодлари учун таъкиб этмоқдалар, обрўсизлантирмоқдалар, ишдан маҳрум қилмоқдалар.

Уларнинг оилалари теварағида қўпинча инсон фожиясига олиб бораётган тоқат қилиб бўлмайдиган вазият вужудга келтирилмоқда.

Ушунда антикоммунизм жуда кўп кулфатлар ва бахтсизликлар келтирди. Фуқаролик жамияти эълон қилинган шароитда сиёсий сабабларга кўра қувғин қилиш ва рўхий жиҳатдан таъкиб этишга тоқат қилиб бўлмайди, бундай ҳодисалар чет элдами ёни ўз мамлакатимизда — қаерда намоеён бўлмасин, алам ва норозилик туйғусини келтириб чиқаради.

Съезд сиёсий таъкиб ва маънавий қатағонга учраётган коммунистлар, барча кишилар билан ўртоқларча бирдамлик билдиради ва тараққиётпарвар кучларга мурожаат қилиб, ҳар бир кишининг шани ва кадр-қимматини, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга чақиради.

САБЗАВОТ—ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Отаси Харьков шаҳри оstonасиданги жангларда ҳалок бўлганлиги тўғрисида қора хат келганида у етти ёшга тўлмаган экан. Ўстиқдош Куллини фронтга қузатган Зухра учун энди ягона овуноқ, қўзининг оқу қораси Файзулла эди. Умр — оғар дарё. Кўз очиб, юмгунча она етмишини, ўғил эллик бешини қаршилади...

У ўрта мактабни битиргач, шоферлик курсини тамомлади, кадрдон кишлоғида ишлай бошлади.

— Чори Алматов деган райком котиби (ҳозир пенсияда) дилкаш эди, — дед эслади у. — Ҳатто кўчада ўйнаб юрган болалар билан ҳам суҳбатлашарди. Бир гал совхозда у кишига дуч келиб қолдим. Мени тўхтатиб, саломлашди. Елкамга қўлини қўйиб, газета ўқиб турасанми, деб сўради. Ҳа, дедим. Ўқи, қўп-қўп ўқинги, яхши ишласанг, партия сафига ўтказамиз, деди у.

КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилинган кун кечагидек ёдимда. Уставни ўқиб, ўргандим. Баъзи бандларни ёдлаб олдим. Ўтиргавилардан бири «Коммунист қандай имтиёزلарга эга?» деб сўради. Коммунист ҳеч қандай имтиёзга эга эмас, ишда, юриш-туришда бошқаларга ибрат бўлиши керак, дедим. Бошқа савол бўлмади.

— Область партия конференциясида бултур Жаркўргон районидан тўрт киши ўз ихтиёри билан партия билетини топишганлигини эшитиб қолдим, — дед давом этди Ф. Қўлиев. — Бири юқори лавозимга тавсия этилмаганлиги учун, бошқаси турмуш шароитини яхшилашга партия ташкилотини ёрдам бермапти, деб шундай қилибди. Партияга садоқат, эътиқод шу бўлмишми? Бундайлар КПСС сафини киритишда халқига хизмат қилишни, қўпчиликка ибрат кўрсатишни эмас, балки мансабни, шахсий ҳаётини ўнглаб олишни кўзлаганлар. Шуллар партия обрўсига нуртур етказмаётганидан, деб ўйлаб қолам.

Унинг мулоҳазалари асосли. Файзулла ака ўғли Жуманазар ҳарбий хизматдан қайтгач, ўзи бошқарган машинани унга топшириб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. Бир йил сабзаоватчилик бригадасида сувчи бўлди. Сўнгра бригадир этиб сайланди. Шунга ҳам йилгирма йилдан онди. Сабзаоватчилик пахтачиликдан ҳам серташвиш. Лекин у бошлиқ бригада ҳеч қачон ер чизиб қолмаган. Ҳар йили режалар ортиги билан багарилмоқда. Бултур 38 гектар майдондан 847 тонна маҳсулот топирилди. 176,7 минг сўм ўрнига 261,5 минг сўм даромад қилинди. Ҳар гектар суғорма ер 5 минг сўмдан зиёд кириш келтирмоқда. Ф. Қўлиев бригадасида тўлиқ оилавий пудрат жорий қилинган. Бу усул жуда қўл келаёттир. Ҳар оила

лаёттирлар. Уларга қарашли пайкаларда кўчат тўлиқ, гўза қийос гуллаган. Айрим майдонларда эса дастлабки кўсақлар кўринди.

Жамоамиз 68 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Мақсад: гектар ҳисобига 25 центнердан хирмон кўтариш. Биринчи ютуғимиз шу бўлдики, чигитни ерининг ташини намиди ундириб олдик. Ятаналашни ҳафтада тамомладик. Дастлабки озиқлантириш ва суғориш эг қўлай муддатларда ўтказилди. Шу тўғрисида гўза ривож ўтган йилга нисбатан баваж. Демак, ҳосилнинг эрта етилишига қаролат бор.

Шу қунларда айниқса биз, механизаторлар учун ўта масъулиятли давр бошланди. Гўза қатор оралари ва сифатли ишлов бериш, тупроқни юмшатиш орқали сунъий қиздириш, эгатириш

суғоришга тайёрлаш, озиқлантириш ишлари асосан бизнинг зиммасида. Бунинг учун култиватор ишчи қисмларининг соз ишлашини доимо назорат қилиб бораётимиз. Чунки унинг биттаси нотўғри ёки бўш ўрнатилса, ниҳолга катта зиён етиши мумкин. Айни пайтда ишчи қисмларининг усти чипта ва бошқа материаллар билан ўраб қўйилган. Бу гўза бағрини тўқилтиришдан, шохларини эса синиб кетишдан асрайди.

Озиқлантиришни жуда ҳушёрлик билан ўтказайтирмиз. Бу юмушни ўн бешинчи июлгача тўғаллаймиш. Ишимизни ўзимиздан ташқари сифат комиссияси ҳам кузатиб бораёттир. Бунда айниқса Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 80 яшар уста пахтакор Фозил бобонинг маслаҳатлари асқотмоқда.

Файзулла ака нафақат бригада бошлиғи, балки пудратчи ҳам. Оила аъзолари билан бир гектар ердан 21 тонна ўрнига 26 тонна, шахсий томорқадан 10 тонна нарам топширишди. Бригада аҳли унинг меҳнатсеварлигини, тadbиркорлигини, оқил раҳбарлигини миннатдор. Ҳалок меҳнатларини эвазига учинчи даражали «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланди. Кейинги уч кон-

ференцияда юксак ишонч билдирилиб, район партия комитети аъзолигига сайланди. Совхоз партия комитети аъзоси. У буларни мартаба эмас, балки масъулиятли иш деб билади. Сўрхондарё область партия конференциясида у Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлигига сайланган эди.

— Жумҳурият коммунистлари анжуманидан катта таасурот билан қайтдим, — дейди Файзулла ака. — Ленин партиясида садоқатим йилгирма бир йил олдин унинг сафига кираётганда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Қайта қуриш шароитида ишнинг муваффақияти ана шу ишонч ва эътиқодга боғлиқ. Уларни йўқотмаслигимиз, бунинг учун партия обрўсига соя ташлаган иллатлардан қўтилишимиз, иш билан сўз бирлигига эришмоғимиз керак. Сабзаоват маҳсулотларини қайта ишлаш жиҳатидан жуда орқадимиз. Натижада ҳар йили ҳосилнинг 30—40 фоизи нобуд бўлмоқда. Бу борада гап қўп-у амалий иш кам...

Ангор районидан «Ангор» совхозининг сабзаоватчилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати Файзулла Қўлиевнинг эътиқод мустаҳкам, орзулари катта. У ленинча партияга, ўз имонига ҳаминча содиқ қолишига сира шубҳа йўқ.

Б. КЕНЖАБОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ

Хуллас, ҳозир механизаторлар айни гайрат кўрсатиб ишлайдиган кезлар. Бугуннинг ҳар дақиқаси қимматли. Шунинг билан холда меҳнат қилаётимиз.

Бригадамизнинг барча майдонларига ўзимиз чигит эдик. Уруғ униб чиқиши билан оқил култиватори бошладик. Ҳозир ниҳолларни машинабоп қилиб ўстириш пайидан бўлаётимиз. Чунки ҳосилнинг асосий қисми техника воситалари ёрдамида йилгиритиб олинади.

Гўза қатор ораларига сифатли ишлов бериш мўл ҳосил гарови эканлигини яхши биламиз. Шу боисдан бутун куч-гайратимизни парваришга қаратаймиз. Бошқа ҳам-насабларимиз ҳам ганимат дақиқалардан умумли фойдаланиб, дилдан меҳнат қилаёттирлар.

Х. АШУРОВ,
А. ШЕРАЛИЕВ,
Андижон вилояти Хўжа-обод райониданги «Правда» жамоа ҳўжалигининг механизаторлари.



Гурлан райониданги «Коммунизм» колхозида бултур консерва цехи қуралгач, кишлоқ хўжалиғи неъматлари нобудгарчилигига чек қўйилди, хўжалик мўмай даромад ола бошлади. Жорий йилда жамоа аҳли 3 миллион дон шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида гайрат-шижоат кўрсатмоқда. Бунда илгор ишчи Зулфия Дўсанованинг ҳиссаси катта.

Б. АЛИМОВ олган сурат.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

Литва ССР делегацияси билан музокара олиб бориш учун ССР Иттифоқи делегациясини тузиш тўғрисида

- Рижков Николай Иванович — СССР Министрлар Советининг Раиси (делегация раҳбари).
- Маслюков Юрий Дмитриевич — СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР давлат план комитетининг раиси.
- Бакатин Вадим Викторович — СССР ички ишлар министри.
- Резенко Григорий Иванович — СССР Президентлик кенгашининг аъзоси.
- Анисимов Станислав Васильевич — СССР давлат модий-техника таъминоти комитети раисининг биринчи ўринбосари.
- Бобков Филипп Денисович — СССР давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари.
- Вольмер Юрий Михайлович — СССР денгиз флоты министри.
- Герашченко Виктор Владимирович — СССР давлат банки правленесининг раиси.
- Калмиков Юрий Хамзатович — СССР Олий Совети қўнуқчилик комитетининг раиси.
- Катушев Константин Федорович — СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри.
- Кебич Вячеслав Францевич — Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси.
- Коблов Владимир Леонидович — СССР Министрлар Совети давлат комиссияси раисининг биринчи ўринбосари.
- Комплектов Виктор Георгиевич — СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари.
- Конарев Николай Семёнович — СССР темир йўллар министри.
- Моисеев Михаил Алексеевич — СССР Қўролли Куч Совети Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти Москва, Кремль.

лари Бош штабининг бошлиғи.
Панюков Борис Егорович — СССР гражданд авиацияси министри.
Орлов Владимир Ефимович — СССР молия министрининг биринчи ўринбосари.
Рисаев Иван Степанович — РСФСР Министрлар Советининг Раиси.
Шарипов Юрий Камолович — СССР Олий Совети Миллатлар Совети иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар, автоном вилоятлар ва округлар иқтимоий ва иқтисодий тараққиёти масалалари комиссиясининг раиси.
Шчербаков Владимир Иванович — СССР давлат меҳнат ва иқтимоий масалалар комитетининг раиси.
Яковлев Вениамин Федорович — СССР адлия министри.
Янаев Геннадий Иванович — ВЦСПС раиси.

